*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2007** йил, **1** июнь, жума № **22** (2201).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **1** июня, **2007** год, № **22** (2201).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена договорная

Сержант бугунги кунда бутун армиянинг шахсий таркибини бўғинма-бўғин мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудратини ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган ҳам мураббий, ҳам командир бўлиши керак.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

# ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллигини муносиб кутиб олиш, бу қутлуғ сана муносабати билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беқиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси "Бу байрам – барчамизники, бутун халқимизники" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини 20 кун муддатда ишлаб чиқсин.

3. Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирлар ва тантанали маросимларни кўтаринки руҳ ва кайфиятда, ташкилий, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак савияда, аҳолининг барча қатламлари, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиш учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига алоҳида тадбирлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш тавсия этилсин.

Ушбу тадбирлар режасида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

истиқлолнинг ёш авлод тақдирида, уларнинг замонавий дунёқараши, билим ва тафаккури, фаол гражданлик позициясини шакллантириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини, йигит-қизларимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш борасида эришаётган ютуқларини аниқ ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиш ва кенг тарғиб этиш;

хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эл-юрт таянчи бўлмиш оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, унинг фаровонлигини ошириш бўйича, жумладан, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури доирасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттириш;

мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, юртимиз шуҳратини дунёга тараннум этиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий ибрати ва ҳаётий тажрибаси билан намуна кўрсатаётган, эл-юртга хизмати сингган кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, фахрийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, улар иштирокида турли суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар уюштириш;

истиқлолимиз билан боғлиқ эзгу тушунчаларни янада чуқурроқ англаш, унинг қандай кураш ва машаққатлар, фидокорона меҳнат ва қатъият эвазига қўлга киритилгани, кенг кўламли ислоҳотларимиз моҳият эътибори билан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини таъсирчан усул-услублар орқали ёритиш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг жамиятимиздаги туб ўзгаришлардаги иштироки, ҳаётга онгли муносабати, дахлдорлик туйғуси ва масъулият ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик фазилатлари тобора кучайиб бораётганини, бу эса барча ютуқларимизнинг, бугунги ва эртанги тараққиётимизнинг асосий шарти ва гарови бўлиб хизмат қилаётганини ҳар томонлама чуқур очиб бериш.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда Ватанимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар учун республика танловини ўтказиш мақсадида унинг низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ ва энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн олти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 30 май.



*Маҳоратда, матонатда – кучимиз!*

Комолиддин ТЎРАЕВ сурата олган.

## ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДАСТУРИ

**«Ўзбекистон» нашриётида Президент Ислом Каримовнинг «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир» деб номланган китоби чоп этилди.**

Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, бугунги ҳаётимизнинг долзарб масалалари бўйича кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ўрин олган бўлиб, уларда юртимизда 2000 – 2006 йиллар мобайнида турли соҳа ва тармоқларда қўлга киритилган улкан натижа ва кўрсаткичлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, шу асосда зарур сабоқ ва хулосалар баён қилинган.

**(Давоми 8-бетда).**

## «САРДОБА» – ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБИ

**Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан ўтказилган фольклор-этнографик жамоаларнинг «Навқирон Самарқандга таъзим» республика кўрик-фестивали якунланди.**

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган жамоалар икки кун давомида халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган бебаҳо қадриятлари ва анъаналари асосидаги саҳна кўринишлари, миллий фольклор намуналари, қўшиқ, рақс, лапарлар ижроси бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шунингдек, анжуманда жамоаларнинг Шарқнинг энг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган Самарқанднинг ўтмиши ва бугуни, унинг боқий ёдгорликларига бағишланган чиқишлари ҳам эътиборга олинди.

Регистон мажмуасида кўрик-фестиваль ғолибларини тақдирлаш маросими ва якунловчи концерт бўлиб ўтди. Навоий шаҳар «Фарҳод» маданият саройининг «Сардоба» фольклор-этнографик ансамбли кўрик-фестивалнинг олий мукофотига сазовор бўлди. Самарқанд вилоятининг «Чавқи» ва Сурхондарё вилоятидан келган «Булбулигўё» ансамбларига биринчи ўрин насиб этди.

– Аввало ушбу қадимий шаҳарда ўз дастуримизни намойиш этиш бахтига муяссар бўлганимиздан бениҳоя мамнунмиз, – дейди «Сардоба» ансамбли бадиий раҳбари Алишер Абдумуродов. – Самарқанднинг тарихий обидалари, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилдик. Шаҳар қутлуғ тўйи арафасида яна ҳам чирой очиб, гўзаллашганига гувоҳ бўлдик. Одамларнинг юзидаги қувонч ва самимийлик юртимизда қарор топган тинчлик-осойишталик, келажакка бўлган ишонч самарасидир.

Кўрик-фестивалда «Халқ қўшиқларининг моҳир ижрочиси», «Энг мафтункор рақс ижрочиси», «Энг жонкуяр мураббий» каби ўндан зиёд номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Ғ.ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.**

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**

## ТАБОБАТГА БЕШИК БЎЛГАН ЮРТИМСАН

Ривоят қилишларича, жаннатмакон замин эгаси бўлиш айнан икки дарё оралиғидаги мамлакатлардан бирига насиб этган экан.

Тўрт фаслга ҳам бирдек ардоқли, водию воҳалари бетакрор, синоатга бой тоғлари улуғвор, шоир «Икки дарё ювар кокилин» дея, таърифлаган Ватанимиздан Яратган ўз марҳаматини дариғ тутмагани аниқ. Шу сабабли ҳам бу сеҳрли заминда жаҳон тамаддунига тамал тошини қўйган улуғ даҳолар етишиб чиққан.

**(Давоми 8-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## УСТУВОР ЭЪТИБОР

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос тизими шаклланганини, ислоҳотлар инсон омили учун эканлигини, келажагимиз эгалари бўлган ёшларга давлатимизнинг эътибори юксаклигини яна бир бор кўрсатди.

**(Давоми 5-бетда).**

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**



## ПИЛЛАСИ ТИЛЛОГА ТЕНГ

Пахтачилик, ипакчилик, кулолчилик, зардўзлик, заргарлик, мисгарлик... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Ушбу мақоламизда асрлар давомида аждодларимиздан мерос бўлиб келган, шоҳона матолар хомашёси саналмиш ипакчиликнинг бош бўғини – пиллачилик ҳақида сўз юритишга қарор қилдик. Сўзимиз аввалида Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун ўз ўрнида катта аҳамият касб этиб келаётган пиллачилигимиз тарихига назар ташлаш ўринли деб ўйлайман.

**(Давоми 8-бетда).**



2 ЁЗГИ МАВСУМ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

ФИДОКОРОНА ХИЗМАТ ЮТУҚЛАРГА ЕТАКЛАР



3 ИДУТ ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ЭКЗАМЕНЫ

ОТ СПОРТГОРОДКА ДО ПОЛИГОНА



4 БДИТЕЛЬНОСТЬ – НАШЕ ОРУЖИЕ

БЫТЬ НАЧЕКУ – ВЕЛЕНИЕ ВРЕМЕНИ



6 1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

БОЛАЛАР КЎЗ ҚАРОҒИМИЗДА

Идут Государственные экзамены

# ОТ СПОРТГОРОДКА ДО ПОЛИГОНА

**В аудиториях Специального факультета Министерства обороны при ТУИТ непривычная тишина. Курсанты выпускного курса сосредоточенно и деловито работают с конспектами и учебниками. Сегодня им не до разговоров – надо использовать каждую минуту времени для подготовки к самому ответственному событию в курсантской жизни – выпускным Государственным экзаменам.**






В этом году одними из первых сдали Государственный экзамен по физической подготовке и спорту претендент на диплом с отличием курсант Бекзод Сулаймонов и его сослуживцы. Не стоит объяснять, что для офицеров, которым зачастую приходится действовать в экстремальных ситуациях, физическая выносливость, быстрота и сила – неотъемлемый атрибут профессии. И они показали, на что способны гордые своей профессией военнослужащие. Все испытания, в которые входили кросс на длинную дистанцию, бег на 100 метров, подтягивание на перекладине, рукопашный бой, курсантская группа выдержала успешно, порадовав и преподавателей и экзаменаторов. Среди отличившихся на спортивном городке – многие курсанты. Однако самый высокий результат на сегодняшний день у курсанта Фархода Набиева. Этот выпускник перекрыл отличные нормативы и на спортивных снарядах и на беговой дорожке.

Было время, когда к выпускникам Специального факультета предъявлялись определенные претензии за физическую и строевую подготовку. Но за последние годы были приняты необходимые меры, созданы благоприятные условия для повседневных занятий спортом, и сегодня по качеству физической подготовки и увлеченности спортом курсанты-связисты нисколько не уступают выпускникам других высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны.

Тактико-специальная подготовка для курсантов Хурчи Авезова и Сардора Хасанова – их будущая профессиональная работа. На Государственном экзамене они «воевали» в учебном классе, демонстрируя умение отрабатывать боевые документы и принимать обоснованные решения. Скоро им предстоит показать свое мастерство в поле, на материальной части. Судя по первым результатам, их показатели наверняка будут серьезной заявкой на высокие оценки.

За последние годы в нашей армии коренным образом изменилось вооружение войск связи. В подразделения поступила самая современная техника, позволяющая не только обеспечивать скрытую связь между подразделениями и вышестоящим командованием на поле боя, но и при необходимости качественно передавать фотографии и рисунки, а если потребуется, то и определять свои координаты на местности. Курсанты Мансур Бекчанов, Хуршид Таиров и их однокурсники в ходе контрольного занятия на Государственном экзамене по специальной подготовке, получив очередную вводную от членов экзаменационной комиссии, быстро разворачивали и настраивали радиостанции. Они немедленно входили в связь с абонентами, четко передавали сообщения. По мнению строгих экзаменаторов, скоро в войска придут технически грамотные офицеры, способные личным примером увлечь подчиненных.

На Специальном факультете много внимания уделяется поиску новых методов обучения курсантов. Здесь большой процент преподавателей, имеющих ученую степень или звание. У них можно многому научиться. Однако не чураются здесь и опыта других учебных заведений. Многие курсанты за годы учебы получили возможность повысить свое профессиональное мастерство на различных курсах и в учебных центрах. Курсант Улугбек Отаев, к примеру, прошел трехмесячный курс обучения в Индийском учебном центре, получил сертификат программиста. Стремление к новому, передовому отличает выпускников Специального факультета, которые умело используют для повышения уровня своих знаний возможности компьютерных классов и всемирной сети Интернет.

Современный офицер должен быть не только командиром и воспитателем, но и юридически грамотным человеком, знающим законы и умеющим юридически правильно обосновать каждое принятое решение. Поэтому для курсантов Эркинжона Гаипова, Дениса Иргашева и их однокурсников сдача Государственного экзамена по знанию требований Общевоинских уставов Вооруженных Сил Республики Узбекистан и руководящих документов стала не простым испытанием. Без сомнения, все они в дальнейшем будут использовать свои знания для того, чтобы возглавляемые ими подразделения стали лучшими по дисциплине и порядку в своих воинских частях.

По компетентному мнению членов экзаменационной комиссии, нынешние выпускники намного увереннее чувствуют себя на новой технике, умело используют ее огромные возможности в современном бою. Конечно, пока еще рано подводить итоги. Хотя среди сдающих Государственные экзамены курсантских подразделений уже сегодня выделяются своими успехами подчиненные сержанта Эркинжона Гаипова и сержанта Шерали Садыкова. Капитан Бахтиер Муминов, доведший своих воспитанников до выпускного курса, может быть доволен, они его не подводят.

Быстро пролетит напряженная пора экзаменов, и вскоре новое поколение молодых лейтенантов пополнит ряды офицерского корпуса Вооруженных Сил независимого Узбекистана. Специальный факультет Министерства обороны при ТУИТ, созданный в годы независимости, пока еще молод, но в нем уже есть и свои герои и свои боевые традиции. Следуя им, каждое новое поколение выпускников вносит свой вклад в доброе имя своего факультета.

**В. НИКОЛАЕВ.**
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

СЕРЖАНТЛАР – АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

# ПРОФЕССИОНАЛЛИК САРИ ОДИМ

**Марказий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби Қуролли Кучларимиз сафларига юксак салоҳиятга эга профессионал кичик командирларни тайёрлаб берадиган нуфузли ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу мактабда қатор мутахассисликлар бўйича юзлаб ўғлонлар ҳарб илмидан чуқур сабоқ олишиб, ўз билим ва тажрибаларини оширмоқдалар.**



Бу ерда курсантларга таълим бериш махсус дастур асосида амалга оширилиб, уларга жанговар тайёргарлик машғулотлари билан бир қаторда ҳарбий педагогика ва психология, иқтисод, миллий истиқлол ғояси, этика ва эстетика, Ўзбекистон тарихи, чет тиллари каби машғулотлар юксак тажрибага, малакага эга офицер-ўқитувчилар, йўриқчилар томонидан олиб борилади.

– Мактабимизда курсантлар 9 ой давомида таълим олишиб, ҳарб илмидан пухта сабоқ олишади, – дейди офицер Сейфат Сулеймонов. – Ҳарбий билимлар билан бирга курсантларимиз юртимизда кечаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар, янгиланишлардан ҳам хабардор бўлишади. Уларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб, ижтимоий-сиёсий, жанговар тайёргарлик, бадиий, илмий, ҳарбий соҳага доир адабиётларга бой кутубхона, жисмоний чиниқишлари учун замонавий спорт зали ва спорт шаҳарчаси мунтазам ишлаб турибди. Қолаверса, жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилиб, маънавий-маърифий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ўтказилиб борилади.

Биз курсантларни дарс жадвали бўйича олиб борилаётган машғулотлари вақтида учратдик.

Дастлаб, артиллерия тайёргарлиги ўтказилаётган ўқув хонасига кирганимизда офицер Анвар Парманов гуруҳдаги курсантлар билан қизғин машғулот олиб бораётган экан. Тажрибали офицер мазкур тайёргарлик ҳақида тўхталиб ўтар экан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

– Бу фандан курсантлар артиллерия техникаси ва жанговар қуролларини ишлатиш, улардан тўғри ва аниқ фойдаланиш, координаталарни аниқлаш каби жараёнларни ўзлаштиришмоқда, – дейди у. – Ҳозир янги, замонавий артиллерия ускуналари пайдо бўляпти. Бизнинг ҳарбийларимиз ҳам бундан бехабар қолмасликлари зарур. Шунинг учун дарсларни чуқурлаштирилган ҳолда олиб бораяпмиз. Бу ерда ўрганганларини эртага сержант бўлиб хизматини давом эттирадиган курсантларимиз қўл остидаги посбонларга ўргатиш билан бирга, жанговар шайликни янада оширишга катта ҳисса қўшадилар. Буни яхши англаган бўлажак профессионалларимиз машғулотларга жуда интилувчанлик, тиришқоқлик билан ёндашишмоқда. Курсантлардан – Акмал Қосимов, Анвар Нишонов, Санжар Бековлар айниқса, энг илғорлардан.

Алоқа тайёргарлиги машғулотини олиб бораётган офицер Сирожиддин Обидов курсантларга алоқа аппаратлари ва воситалари ҳақида маълумот берар экан, кўпроқ амалий кўникма ҳосил қилишларига чуқур эътибор бериб, кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда дарс ўтишига гувоҳ бўлдик.

– Ҳарбий соҳада узлуксиз алоқани таъминлаб туриш ўзига хос аҳамиятга эга, – дейди Тошкент ҳарбий округидан ўқишга келган курсант Аваз Омонов. – Шу туфайли устозлардан соҳа билимларини пухта эгаллаб келаяпмиз. Маҳоратли офицерлардан – Нўъмонжон Холматов, Ўринбой Бобоалиев, Эркин Юсуповлардан алоқа сирларини мукаммал ўрганмоқдамиз.

– Мен ёшлигимдан ҳарбий касбга қизиққанман, – дейди курсант Анвар Ҳамроев. – Шунинг учун ҳарб илми билимларини пухта ўзлаштиришни ўз олдимга асосий мақсад қилиб қўйганман. Сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олаётганимдан, юрт корига камарбаста бўлаётганимдан жудаям фахрланаман. Келгусида бу ерда олган кўникмаларим асосида, янаям юксак марраларни забт этиш эзгу ниятимдир.

Сержантлар тайёрлаш мактабида сабоқ олаётган матонатли ўғлонларни бемалол эртанги кун профессионаллари, ушбу ўқув даргоҳини эса ҳақиқий профессионал кичик командирлар тайёрланадиган маскан, дея айта оламиз.

**Нозим АҲРОРОВ.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**

# МАТОНАТЛИ, МАРД ЎҒЛОНЛАР

**Профессионал асосда шаклланаётган армиямиз сафларида қалбида юртига, халқига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари жўшиб турган, ҳақиқий фидойи, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган ўғлонлар хизмат қилмоғи керак.**



Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг бугунги битирувчиларини ҳам чинакам мард ва жасур, Ватан ҳимоясига доимо тайёр, ўз соҳасининг асл профессионаллари десак, асло янглишмаймиз.

Белгиланган муддат давомида малакали устозлардан ҳарбий соҳа илмларини мукаммал эгаллаб, қўлларига сертификатларини олиб, «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!» деб баралла айтаётган сержантларимизнинг битирув тантаналари бир умрга улар қалбида муҳрланиб қолажак.

Бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан округ қўмондонлиги ва билим маскани масъул офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда битирувчиларнинг дўст-яқинлари ўғлонларни битирув айёми билан табриклашар экан, уларнинг келгусидаги масъулиятли ва шарафли хизматларига омадлар тилашди.

Сафдошлари номидан сўзга чиққан сержант Зоҳид Облақулов жумладан, шундай деди:

– Мана, бугун биз ўз соҳамиз ҳамда ҳарб илми бўйича билим ва малакамизни маҳоратли устоз офицерлар кўмагида янада оширдик ва мустаҳкамладик. Бу ерда олган билимларимиз хизматимиз давомида, қўл остимиздаги посбонларни ҳар томонлама етук, салоҳиятли, ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялашимизда жуда асқотади. Ўзимизга билдирилган ишончни оқлаб, юртимиз тинчлиги, осудалиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ваъда бераман.

Курсант Собир Тоштемировнинг рафиқаси Пардагул Тоштемирова ҳам сўзга чиқиб, турмуш ўртоғи ва унинг сафдошларини самимий қутлаб, Ватанимизнинг шундай мард ва жасур ўғлонлари билан фахрланишини таъкидлаб ўтди.

Курсантлардан Аҳрор Ашурматов, Шерзод Мамажонов, Дилбар Тожимуротова, Азамат Худойберганов, Исроил Юлдошев, Холмурод Ражабов, Отабек Воҳидов каби ўнлаб битирувчилар мактабни имтиёзли ҳужжат билан тугатишди.

Ҳа, бугунги битирувчиларни ҳақиқий профессионаллар деб бемалол айта оламиз. Уларнинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишларига ишончимиз комил.

**Аҳрор ОЧИЛОВ.**
**Муаллиф олган сурат.**

# КОМАНДУЕТ БОЕМ... КОМПЬЮТЕР

**На современной стадии развития информационных технологий появилась прекрасная возможность развивать у военнослужащих находчивость и смекалку. На помощь приходит компьютер, на котором моделируется ситуация учебного боя. В школах подготовки сержантов благодаря умелому использованию преимуществ учебно-материальной базы будущие младшие командиры получают знания и навыки, достойные армии двадцать первого столетия.**





Компьютерный класс, в котором ведет занятия офицер Уткир Акбаров, поначалу напоминает обычную игровую комнату. Курсанты занимаются в локальной сети, используя популярную в среде геймеров игру. Будущие сержанты командуют действиями «подразделения», чья задача – освободить «заложника» из рук «террористов». И хорошо, что на экране цена ошибки обучаемого курсанта – повторная попытка выполнить непростое задание. В реальном бою все было бы гораздо сложнее.

– По окончании курса обучения в данном учебном заведении мы возьмем на себя ответственность за подчиненный личный состав, – говорит курсант Р.Дониеров. – Поэтому очень важно уже сейчас, в учебном «бою» на экране компьютера, научиться избегать ошибок.

Бесстрастно фиксируя успехи и неудачи курсантов, строгий компьютер выдает оценки каждому из них. Радуются тому, что сумели в непростом противоборстве с электронным «мозгом» выйти победителями курсанты Ф.Эргашев и А.Очилов. Да, что ни говори, но человеческий разум способен проявить чудеса изворотливости и изобретательности.

Впрочем, из дальнейших бесед с курсантами убеждаюсь в том, что чудес-то по большому счету и не было. Победу в учебном бою курсантам помогли добыть те знания и навыки, которые заложили в них опытные наставники. Среди тех, кого особо благодарят курсанты, – майоры Ильхом Кенжабаев, Саминжон Бакибаев и Баходир Тешабаев.

Вообще, повышению квалификации преподавательского состава здесь уделено самое пристальное внимание. Например, подполковник Акилжон Джамбилов и майор Давлат Мурадов успешно прошли курс обучения в Национальном университете Узбекистана. Представительная комиссия из штаба округа приняла зачеты на классную квалификацию.

– Увиденный вами компьютерный класс далеко не единственный объект, сооруженный в рамках претворения в жизнь реформы Вооруженных Сил, – с гордостью говорит подполковник Олимжон Занжиров. – У нас также построены такие сооружения, как инженерный, химический, пограничный городки, класс горной подготовки.

В учебном отделе уточнили, что в учебную программу недавно введены такие курсы, как основы маркетинга и менеджмента, основы ведения фермерского хозяйства, основы организации защиты труда, теория и практика построения демократического общества. Так что, будущие сержанты получают и солидное гражданское образование, которое не только способствует гармоничному развитию личности, но и вооружает знаниями на период возвращения молодого человека к гражданской жизни.

Умение ориентироваться на местности – одно из основных, которые требуются от будущего сержанта. Поэтому на занятии по военной топографии, которое ведет с показом на макете местности капитан Шерзод Хайдаров, внимание курсантов напряженное. Среди тех, кто сумел порадовать преподавателя твердыми знаниями, – курсанты Акмаль Эркабаев и Дилёр Муминов, имеющие в своем активе опыт ратного труда в горных условиях. Они знают не понаслышке, что горы ошибок не прощают. Поэтому и для товарищей по оружию их рассказы о накопленном опыте являются отменным подспорьем в боевой учебе.

Таким образом, при всем уважении к компьютерному «мозгу», выполняющему миллионы операций в короткий промежуток времени, у будущих военных профессионалов нет робости и опасения перед «умной» машиной. Воины национальной армии Узбекистана умеют находить верные пути к победе, ведь ими руководит генетическая память великих предков.

**Майор Анвар КАСЫМОВ.**
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Легкая атлетика. Кубок Узбекистана

# РЕКОРДЫ В ИСПОЛНЕНИИ АРМЕЙЦЕВ

**Великолепных результатов добились армейские легкоатлеты на открытом Кубке Узбекистана, в котором участвовали также спортсмены из Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана. По многим видам спортсмены-военнослужащие заняли места на пьедестале почета, установив несколько рекордов.**

Удачными выдались старты для молодых представителей спортивного актива МХСК Акбара Умарова и Рината Амирова, обновивших свои личные рекорды на дистанциях 100 и 200 метров. Так, Акбар на стометровке занял второе место. И Ринат, промчавшись двести метров, также стал вторым призером Кубка Узбекистана.

На обеих дистанциях победителем Кубка страны стал их более маститый товарищ по команде Олег Журавлев. Армейцу на этот раз покорился рекорд Узбекистана на дистанции 200 метров, который держался уже более 20 лет! Новое достижение – 21,04 секунды – установлено армейским атлетом!

Солидно выступили в коротком спринте и девушки. На стометровке победила младший сержант Людмила Дмитриади. На дистанции двести метров победила бегунья из МХСК Альбина Сибагатулина, которая и на стометровке стала серебряным призером.

Достойную конкуренцию бронзовому призеру Азиатских игр в Катаре в беге на 800 и 1500 метров Замире Амировой составила армейская спортсменка Анна Сидорова. И хотя Аня пока довольствовалась «серебром», до последних метров дистанции она упорно боролась за победу, проявив поистине армейский характер.

В секторе для прыжков в длину не было равных Александре Котляровой из команды МХСК. Прыгунья из СВВАКИУ также заняла второе место в тройном прыжке. В прыжках в длину буквально 5 сантиметров уступила ей подруга по команде Александра Быстригова, а это говорит о высокой конкуренции в армейских рядах. Достойно подхватила победную эстафету и метательница копья Анастасия Семибратова, заняв первое место в своем виде.

В беге на 100 метров с барьерами победителем Кубка страны стал армеец Олег Норматов. Его одноклубник Отабек Махкамов занял вторые места в метании ядра и диска. Отрадно, что, наконец-то, восстанавливается после травмы метатель копья младший сержант Сергей Воинов, также завоевавший второе место на пьедестале.

За честь армейского клуба сумел достойно постоять и рядовой срочной службы Никита Холодов. Никита стал серебряным призером Кубка в прыжках в длину, да и в тройном прыжке показал неплохой результат.

– Эти состязания стали отбором в сборную Узбекистана для участия в мемориале Гусмана Косанова, который состоится вскоре в Алматы, – говорит старший тренер МХСК по легкой атлетике сержант Анвар Кучмурадов. – В Казахстане наши легкоатлеты пройдут также учебно-тренировочный сбор, чтобы подойти в пике спортивной формы к главным стартам года – IV Всемирным военным играм в Индии, намеченным на октябрь. Основная масса наших спортсменов на Кубке Узбекистана показала результаты не ниже мастера спорта, что говорит о высоком потенциале команды перед поездкой в Индию.

**Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.**

Бокс

# НАГРАЖДЕНЫ ПО ДОСТОИНСТВУ



Ровно 14 лет назад Вооруженные Силы нашей страны вступили в Международный военный спортивный совет, объединяющий 127 стран мира. Под эгидой данной общественной международной спортивной организации, объединяющей вооруженные силы стран-участниц под девизом: «Дружба через спорт», ежегодно проводятся чемпионаты мира среди военнослужащих по 25 видам спорта.

Военнослужащие Вооруженных Сил Республики Узбекистан по боксу принимают участие с 1997 года и по праву признаны лидерами в данном виде спорта.

Так, в конце апреля в соответствии с планом подготовки Вооруженных Сил на 2006–2007 учебный год сборная команда МХСК по боксу принимала участие в региональном чемпионате мира. Продемонстрировав высокое спортивное мастерство, наши армейцы завоевали первое общекомандное место среди 25 стран-участниц. На этих соревнованиях было добыто 6 золотых, 2 серебряные и 1 бронзовая медали.

Успех, достигнутый сборной командой по боксу, является примером для спортсменов других видов спорта, культивирующихся в МХСК, способствует проявлению чувства гордости за свои Вооруженные Силы.

Напомним, что на этих соревнованиях чемпионами в своих весовых категориях стали мастера кожаной перчатки старший лейтенант Дильшод Махмудов, Туляшбой Данияров, Бекзод Хидиров, Аббос Атаев, Абдугафур Умаров, Эльер Гулямов, серебряными призерами – Сардор Абдуллаев, Рафикжон Султонов, бронзовым призером – Жахонгир Суванкулов.

На днях в Центральном музее Вооруженных Сил Республики Узбекистан за проявленное высокое спортивное мастерство, волю к победе, а также за пропаганду армейского спорта все вышеперечисленные спортсмены, начальник команды МХСК майор Уйгун Сидиков, тренер МХСК служащий Вооруженных Сил Шароф Худойбердыев были награждены Памятными знаками министра обороны и ценными подарками.

**Майор З.ХАЙРИТДИНОВ.**

## СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

В столице Франции на известном теннисном турнире на грунтовом покрытии «Лоран Гаррос» идут ожесточенные баталии в женском «квалифайне» за выход в основную сетку турнира. Представительница Узбекистана Акгуль Аманмурадова, обыграв в первом раунде российскую теннисистку Е.Родину (4:6, 7:6, 6:4), вышла в третий круг соревнований.

●

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида от спорти бўйича жаҳон кубогининг Марказий Осиё минтақаси бўйича иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Аҳамиятлиси, унда ҳамюртимиз Ғайрат Назаров «Санаслан» лақабли оти билан конкур баҳсларида барча тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Жаҳон кубогининг учинчи босқичи 5-7 июнь кунлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилади.

●

Сегодня сборная команда Узбекистана по армрестлингу уезжает в город Иссык-Куль (Кыргызстан) на чемпионат Азии.

В составе нашей сборной на этих соревнованиях принимают участие такие многоопытные спортсмены, как мастера спорта международного класса У.Ахмедов, Ф.Усманов, К.Керимов и другие.

Есть уверенность в том, что узбекистанские атлеты будут бороться за главные награды чемпионата.

По словам генерального секретаря Федерации армрестлинга Узбекистана К.Конышева, наши атлеты составят достойную конкуренцию лучшим «рукоборцам» Азиатского континента.

●

Ўзбекистонлик эркин курашчилар халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар.

Маҳачқалъа (Россия) шаҳрида эркин кураш бўйича беш карра жаҳон чемпиони Али Алиев хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирда ҳам полвонларимиз ўз анъаналарига содиқ қолишди.

Мазкур анъанавий халқаро турнирда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган 150 нафар полвон ғолиблик учун гиламга чиқди. Аҳамиятлиси, мусобақа якунида ўзбекистонлик эркин курашчилар энг кўп олтин медаллар билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Ҳамюртларимиздан Дилшод Мансуров (55 кг.) финалда россиялик Николай Старостинни, Сослан Тигиев (74 кг.) грециялик Эмзари Бединидисни, Артур Таймазов (120 кг.) яна бир россиялик курашчи Билол Махов курагини ерга тегизиб, олтин медалларга эгалик қилишди. Сослан Дациев (84 кг.) эса Ўзбекистонга бронза медали билан қайтадиган бўлди.

●

В Элисте (Россия) стартовал претендентский турнир чемпионата мира по шахматам. В борьбу за корону вступили 16 гроссмейстеров из Венгрии, Турции, Украины, России, Израиля, Англии, Испании и других стран, которые завоевали себе это право по итогам розыгрыша Кубка мира, проходившего в Ханты-Мансийске в прошлом году. Среди претендентов и наш соотечественник Рустам Касымджанов, который две встречи с шахматистом из Израиля Борисом Гельфандом сыграл вничью. Теперь у них по одному очку. На турнире будут разыграны четыре путевки на чемпионат мира в Мексику, запланированный на осень нынешнего года.

Пулевая стрельба. Первенство Узбекистана

# УСПЕХ ЮНЫХ СТРЕЛКОВ

На завершившемся первенстве Узбекистана по пулевой стрельбе среди юношей и девушек до 1989 года рождения и младше приняли участие пять представителей спортактива МХСК.

Наиболее результативно выступил Дмитрий Бахтияров. Он в упражнении ВП-6, набрав 568 очков, завоевал первое место и титул победителя первенства Узбекистана. Вторым призером в этом же упражнении стал Дмитрий Петенко с активом 557 очков. Следует отметить, что оба представителя армейского спортклуба МХСК на этих соревнованиях выполнили норматив кандидата в мастера спорта.

Успешно выступила и Лариса Мухманова, которая стала вторым призером в упражнении ВП-4 (361 очко) и бронзовым – в упражнении ПП-2 (359 очков).

Неплохо выступили и юноши Нурулло Ешназаров и Фаррух Ахмадалиев, представлявшие спортклуб МХСК.

Тренер МХСК по пулевой стрельбе Владимир Давыдов выступление юных армейцев комментирует так:

– В целом, я считаю, у нас растет достойная смена. Можно с уверенностью сказать, что недалек тот день, когда эти юные армейские стрелки станут настоящими мастерами своего дела и не раз будут завоевывать медали высокой пробы на различных крупных международных соревнованиях. Главное – у наших ребят высокий спортивный потенциал.

**Наш корр.**

# ОРЗУЛАРИ БИСЁРДИР УНИНГ

Бир неча йил мобайнида болалар ўртасидаги қатор мусобақаларда ғолиблик нашидасини сурган Бекзод 2001 йилда катталар ўртасидаги дастлабки ғалабасини қўлга киритди. Орадан кўп ўтмай у Малайзияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлиб, ўз вазн тоифасида анча тажрибага эга эканлигини амалда исботлади. 2002 йил терма жамоамиз сафида Пусанга йўл олган ёш чарм қўлқоп устаси 54 кг. вазнда кумуш медаль билан кифояланди. 2003 йилда Марказий Осиё ўйинларида 57 кг. вазнда баҳс юритган спортчимизнинг олтин медални қўлга киритишига ҳеч қандай рақиб монелик қила олмади. Армия спорти шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Бекзод SIZM мусобақаларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2004 йил Америкада ўтказилган беллашувларда кумуш медални қўлга киритган бўлса, 2006 йил Германия рингида унинг маҳорати бронза медалга муносиб топилди. Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган XV Осиё ўйинларида 60 кг. вазнда рингга чиққан вакилимиз бронза медаль билан Ватанга қайтди. «Ўзбекистон ифтихори» кўкрак нишони соҳиби бўлган халқаро тоифадаги спорт устаси шартнома бўйича хизмат оддий аскари Бекзод Хидиров 2006 йилги SIZM доирасидаги мусобақаларда юксак натижалари учун «Бронза юлдузи» медалига сазовор бўлиб, миллий армиямиз спортининг ҳақиқий спорт устаси эканлигини исботлади.

**Комилжон ҲАСАНОВ.**



Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Бекзод ХИДИРОВ: «Халқаро аренaлар узра Ватан байроғини мағрур ҳилпиратиш учун бор маҳоратимни ишга соламан».

Футбол. Ўзбекистон чемпионати

# ФАҚАТ СЎНГГИ ДАҚИҚАЛАРДА...

**Олий лига жамоалари тобора қизиқарли бўлиб бораётган мамлакат чемпионатининг 11-тур ўйинларини ўтказишди. Ушбу турдан иккита марказий учрашув ҳам ўрин олган эди. Ана шулардан бири, яъни Наманганда ўтиши керак бўлган «Навбаҳор»–«Нефтчи» учрашуви фарғоналиклар бош мураббийи Юрий Саркисяннинг 60 ёшга тўлганлиги нишонланаётгани сабабли 3 июнга қолдирилди. Турнинг иккинчи марказий ўйини эса Тошкентдаги МҲСК стадионида «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.**

Аввалги йиллардагидан фарқли равишда, бу мавсумда чемпионликка даъвогарларнинг кўпайганлиги «Пахтакор»ни ҳар бир ўйинда тер тўкишга мажбур қилмоқда. Мазкур учрашув ҳам бундан истисно бўлмади. Гарчи «Насаф» футболчиларининг ҳозирча омадлари келмаётган бўлса-да (улар ҳозиргача 4 та учрашувни бой беришган), «Пахтакор» билан ўйинга яхши тайёргарлик кўришгани ўйин давомида сезилиб турди. Ўйин мезбонлар устунлиги остида ўтишига қарамай, қашқадарёлик футболчилар ҳам бир қанча қулай имкониятларга эга бўлишди. Аммо ўйиннинг 88-дақиқасигача дарвозалар дахлсизлиги сақланиб турди. Айнан шу дақиқада ҳужумларни анча кучайтирган пахтакорчилар меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олишга эришдилар. С. Жепаровнинг ён томондан ошириб берган тўпини А.Солиев боши билан дарвозага йўллади. Бир дақиқа ўтар-ўтмас эса «Пахтакор»нинг нигериялик легионери Уче Ихероуме меҳмонлар дарвозабонини иккинчи марта доғда қолдириб, ҳисобни 2:0 га етказди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган 2-дақиқада эса пахтакорчилар сардори С.Жепаров узоқ масофадан аниқ зарба йўллаб, «Пахтакор»нинг йирик ҳисобдаги ғалабасини таъминлади – 3:0.

Сариосиёда бўлиб ўтган «Тўпаланг» – «Қурувчи» жамоалари учрашуви ҳам мухлислар ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Биринчи бўлимда ҳисобни очишга эришган майдон эгалари ғалаба қозонишлари ҳам мумкин эди. Аммо яна сўнгги дақиқаларда, яъни 86- ва 90-дақиқада мезбонлар дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлган «Қурувчи» футболчилари сафарда муҳим ғалабага эришдилар.

11-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» – «Шўртан» – 2:0, «Машъал» – «Металлург» – 5:1, «Қизилқум» – «Локомотив» – 1:0, «Самарқанд-Д» – «Вобкент» – 1:0, «Бухоро» – «Андижон» – 2:1.

Олий лига жамоаларининг навбатдаги, 12-тур учрашувлари 9-11 июнь кунлари бўлиб ўтади.

**С.ПЎЛАТОВ.**

# ФУТБОЛИМИЗНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

Эртага, яъни 2 июнь куни пойтахтимиздаги МҲСК стадионида ўзбек футболининг сўнгги 20 йилликдаги энг машҳур ўйинчиси, собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон ҳамда Европа чемпиони, 1994 йилда Хиросимада бўлиб ўтган XII Осиё ўйинлари ғолиби, Владикавказнинг «Алания» жамоаси таркибида Россия чемпиони, бир неча марта Ўзбекистон чемпиони ва Кубоги соҳиби, бир қатор давлат мукофотлари эгаси бўлган Миржалол Қосимовнинг катта футбол билан хайрлашуви бўлиб ўтади.

Маълумки, Миржалол Қосимов профессионал футболдаги ўн саккиз йиллик фаолияти давомида «Пахтакор», «Динамо» (Минск), «Спартак–Алания» (Владикавказ), «Крылья Советов» (Самара), «Ал-Шабаб» (Дубай) ва «Машъал» (Муборак) жамоалари сафида тўп суриб, мухлислар ҳурмати ва эътиборини қозонди. У уч марта Ўзбекистон чемпиони, тўрт бор кубок, икки марта кумуш медаллар соҳиби бўлган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида 67 марта майдонга чиқиб, рақиблар дарвозасига 30 та тўп киритган. Унинг ажойиб дриблинги, аниқ тўп узатишлари, бурчак тўплари ва, айниқса, жарима тўпларини қойилмақом қилиб бажаришлари ҳали узоқ муддат давомида мухлислари кўз ўнгида акс этиб туради.

Ўзбекистон Футбол федерацияси юртимиз футболи тарихида илк бор бундай миқёсда ўтказиладиган тадбирга катта тайёргарлик кўрмоқда. Тантанага кўплаб давлатлардан таниқли футбол юлдузлари ва мутахассислар таклиф этилган. ЎФФ матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, тадбирга Валерий Газзаев, Виктор Онопко, Андрей Каряка, Али Дайи, Мустафо Муборак ва футбол оламининг бошқа номдор вакиллари ташриф буюриши кутилмоқда. Мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон терма жамоаси ва «Евроосиё» терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилади.

**М.САЙДИВАЛИЕВ.**

Соревнования «Амир Темур авлодлари»

# ПОБЕДИЛИ ФЕРГАНСКИЕ ЛИЦЕИСТЫ



**На днях в Республиканском правовом лицее города Ферганы были успешно проведены военно-спортивные соревнования «Амир Темур авлодлари». В них победу праздновали представители хозяев состязаний.**

За пальму первенства спорили пять команд, представлявших Ташкентский, Самаркандский, Ургенчский военные лицеи, Ферганский республиканский правовой лицей и Андижанскую военно-спортивную школу-интернат. Состязания прошли в четырнадцатый раз, став традиционными в нашей стране.

На открытии со словами приветствия к участникам обратились представитель Министерства народного образования республики Турсункул Мухитдинов, председатель Республиканского физкультурно-спортивного общества «Ёшлик» Музаффар Рахматхужаев, офицер Рустам Эминжонов, ответственный работник Ферганского городского хокимията Мирзохид Ботиров.

Стартовали состязания забегами спринтеров на дистанцию 100 метров. Здесь наилучших результатов добились Б.Ходжаев, Д.Кадыров (оба – Ташкент), А.Тошев (Самарканд). В командном зачете вперед вырвались лицеисты столицы, следом расположились ребята из Ферганы и Ургенча.

А вот в подтягивании на перекладине юноши из Ферганы вышли на первое место, у участника этой команды Б.Усманова самый лучший показатель – тридцать пять раз! Немного отстали от него андижанцы Г.Гафуров и М.Исматуллаев. Однако в командном зачете вслед за командой Ферганы идут уже Ташкент и Самарканд.

Ферганцы упрочили свои позиции в метании гранаты. На пятьдесят четыре с половиной метра метнул снаряд А.Каримов, его земляк Т.Полатбаев показал второй результат, а третье место в этом виде досталось Э.Мамасолиеву из Самарканда.

Настоящим испытанием силы воли и выносливости стал для ребят кросс на три километра. В личном первенстве лучше всех преодолел дистанцию А.Хазраткулов (Самарканд), у ферганцев С.Набиева и Д.Давова – второй и третий результаты. В командном зачете наибольшая сумма очков у команды Ферганы, в первой тройке также команды Ургенча и Андижана.

Вот и на дистанции военно-спортивной эстафеты спортсмены Ферганы сумели обойти соперников, у сборных Самарканда и Ташкента – второе и третье места. Этот расклад не изменился и после перетягивания каната.

По итогам всех видов первое место заняла команда Ферганы, у команд Ташкента и Ургенча – второе и третье места.

Все победители и призеры соревнований удостоены Почетных грамот и ценных подарков.

**Юрий ГЕНТШКЕ.**
**Фото Николая ЛАНЦМАНА.**

По просьбе читателей

# ЖИМ НОГАМИ

**Жим ногами – одно из лучших базовых упражнений для формирования формы и глубины проработки квадрицепса. Атлет выполняет его с изменением положения ступней на платформе – на одной тренировке ступни расположены на небольшом расстоянии друг от друга, на следующей – довольно широко. 3 подхода по 12–15 повторений.**



